

ВЕТЕРИНАРИЯ ИНСОНИАТНИ ДАВОЛАЙДИ

The article provides information about parasitocidal preparations (drugs) which are prohibited and allowed to use in the veterinary practice. There are defined tasks for further researches.

Зиёлилар орасида "Медицина инсонни, ветеринария эса инсониятни даволайди" деган ҳикмат мавжуд.

Дарҳақиқат, медицина ва ветеринария инсоният таракқиётининг илк даврларидан бошлаб мустақил соҳа сифатида инсон ва ҳайвонлар соғлиғи муҳофазаси йўлида фаолият юритиб келган. Ҳозирги кунга келиб ҳаёт ва таракқиёт таълаблари исқанджасида ветеринария ўзининг махсус қонунига эга бўлди ва давлатнинг мустақил тарзда фаолият юритувчи муҳим хизмат тармоғига айланди. Ўзига 30 дан ортиқ махсус фанларни мужассамлаштирган мукаддас Ветеринария фани вужудга келди. Янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Қонуни қабул қилинди.

Ветеринария халқхўжалиғи, соғлиқни сақлаш, иқтисодий-ҳаётимий, ҳамда муҳофаа аҳамиятига эга бўлган муаммоларни ҳал қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Илгари ветеринариянинг асосий вазифаси чорвачилик муаммолари, аҳолининг соғлом ва сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, чорва ҳайвонларини ҳар хил касалликлардан даволаш ва профилактика қилишдан иборат бўлган. Бугунги кунда унга инсон айби билан, яъни *антропоген омиллар босими таъсирида келиб чиқаётган ҳамда хориждан кириб келаётган ка-салликларнинг янги турлари* ва миграцион шаклларида (прионли қорамоллар энцефалопатияси, ёввойи ҳайвонларнинг нотипик пневмонияси ёки ўткир респиратор синдроми, қўйлар скреписи, морбилливирус, арбовирус, кальцивирус, энтеровирус ва бош.) ҳамда ҳавфли трансмиссив (ўлат, безгак, туляремия, қайталовчи тиф, кана энцефалити, геморрагик иситма, трипаносомоз, сарамас) ва бошқа қўплаб юқумли ва паразитар касалликлардан муҳофаза қилиш каби муҳим муаммолар юқлатилмоқда.

Бу борада айниқса, дезинфекция, дезинсекция, дезакаризация, дератизация каби ветеринария - санитария тадбирларининг аҳамияти кучайиб бормоқда.

Бунда қарийб барча паразитар касалликларга ҳамда уларнинг "Vector" тарқатувчиларига қарши курашда хлорогеник, фосфорорганик, бензимидазол карбамат ва бошқа кимёвий препаратлардан фойдаланилмоқда. Уларнинг аксарияти биологик фаол (ксенобиотик) моддалар бўлиб, нафақат зараркунандаларни балки, ёнидаги ҳар қандай тирик мавжудотни ҳам заррлаши, нобуд қилиши мумкин. Уларнинг биронтасида ҳам турларга танлаб таъсир қилиш хусусияти борлиғи кузатилмаган. Уларнинг аксариятида мутаген, канцероген, тератоген, эмбриотроп, аллерген ва бошқа хусусиятлар мавжудлиғи, организмнинг барча орган ва тўқималарига патологик таъсир қилиши, оғир психологик, ирсий, иммунопатологик касалликлар чақириши мумкинлиғи фанда исботланган. Баъзи пестицидлар организмнинг биохимик жараёнларини бузиши, ген, хромо-сомалар мутациясини чақириши, биомувозанатни, биохил-махилликни, биотурғунликни бузиши, экология, сув, ҳаво, тупроққа биосферани жиддий ифлослантириши мумкин.

Шунинг учун қайд этилган гуруҳларга оид қўплаб пестицидларнинг ишлаб чиқарилиши, қўлланилиши тақиқланди ёхуд кескин чегараланди (ДДТ, ДДД, гексахлоран, дитион, хлорофос, ДДВФ, тиофос, метафос, диазинон, неоцидол, малатион, трихлорметафос, сецин, ТАП, дикрезил, арсенит кальций, арсенит натрий, хлортен, 4-хлорли углерод, фенотиазин, узген, алгин, симоб, мышьяк препаратлари, креолин ва бош.).

1960-1990 йилларда қоракўлчилик хўжаликларидида қўйларни гельминтозлардан муҳофаза қилиш учун (узук, вақт, яъни 8 ой давомидида) едириб қўлланилган фенотиазиннинг қўйлар организмни терморегуляциясига салбий таъсир қилиши натижасида (қишда гипотермия, ёзда гипертермия чақириши ва бош.) қўплаб қўйларнинг нобуд бўлганлиги кузатилган. Охири-

оқибатда бу препарат ва усулнинг амалиётда қўлланилиши тўхтатилди.

Ўтган асрнинг 60-90 йилларида МДХ давлатларида кана ва ҳашаротларга қарши курашда кенг қўлланган фосфорорганик препаратларнинг (хлорофос, неоцидол ва бош.) аксариятини канцероген, мутаген, эмбриотоксик, тератоген хусусиятлари мавжудлиғи аниқланиб амалиётда қўлланилиши тақиқданган эди.

Қўплаб қирғин келтирувчи касалликлар - ўлат, малярия, лейшманиоз, кана тифи, кана энцефалити, бит ва бургалардан инсонни самарали муҳофаза қилиш имконини берган, бироқ канцероген хусусияти аниқланиб ДДТ (дихлордифенилтрихлорэтан) препаратининг амалиётда қўлла-ниши 1983 йилда тақиқланди.

Кейинги йилларда гельминтоз касалликларга қарши курашда янги кимёвий профилактика усули ташвиққа тавсия этилмоқда. Бу кимёвий аралашма таркибига асосан бензимидазол карбамат классига оид албендазол (албен, албендазол ва абазан), фенбендазол (панакур, фенкур, вермитан), тетраимизол (нилверм, левамизол) каби препаратлар қиради (1 тонна аралашма: 2 кг албендазол, 10 кг мис купориси, 988 кг NaCl ёки бентонит 498 кг ва 490 кг NaCl). Аралашмалар охуруларда эркин (узлуксиз) ҳолда октябрдан май ойининг охиригача 8 ой (240 кун), ҳатто йил давомида едириб борилади.

Тадқиқотчилар яйлов шароитида қўй-эчкиларнинг гельминтоз касалликларига қарши курашнинг бирдан-бир тўғри усули "кимёвий профилактика" усулидир, деган хулосага келади.

Холбуки, албендазол антгельминтик сифатида самараси паст бўлиб, кўпгина гельминтоз касалликларга, айниқса, ларвал цестодозларга нисбатан фақат юқори дозаларда (15-20 карра кўп) қўлланилганидагина паразитицид Самара кўрсатиши мумкин.

Бензимидазол классига оид албендазол, мебендазол, оксифендазол ва бошқа препаратларни эмбриотроп хусусиятлари мавжудлиғи учун уларнинг қўлланилиши кескин чекланди (И.А.Архипов, Москва, ВИГИС, 1999). Уларнинг мутаген, канцероген, тератоген, аллерген ва бошқа салбий хусусиятлари мавжудлиғи фанда тўлиқ аниқланган (Л.И.Медведь, Киев, 1974; Вестник АН СССР, №4, 1984; О.П.Чининова ва бош. 1968; Спр. по токсикологии, М., 1976).

Шунинг учун аксарият бензимидазол карбаматлар - бензил, бенлат, узген, алгин, фундазол ва бош. ўсимликларни ўйма қилишда, сецин, дикрезил, эфир ва бош. ветеринария амалиётида қўлланилиши тақиқланди ("Защита растений", №6, 1988).

Кўпгина карбаматлар (ТМТД, цинеб, цирам, манеб) бластомоген ва аллерген фаолликка эга (Спр. по токсикологии, М., 1976).

Бензимидазол (парабендазол) 26% кўзиларда тератология чақириши ва мутаген таъсири аниқданган (А.А.Поляков, С.М.Качанова, М., 1975).

Карбамат бирикмаларининг токсик таъсири энг паст дозаларда ҳам кузатилган (Г. Росс ва бош., 1985).

Карбаматларни ҳайвонларга микродозларда кунбай берилганида сурункали захарланиш юз бериш ҳодисаси гўлқ исботланган (Спр. по пестицидам, Л.И. Медведь. Киев, 1974).

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида бензимида

зол карбамат, айниқса албендазол классига оид препарат- ларни узок вақт, узлуксиз, гуруҳбай ва аралашма ёхуд тоза ҳолда антгельминтик сифатида қўллаш усулини маъқул ҳисобламаймиз. Бу усулда нафақат чорва моллари организм- ми ва маҳсулотлари, балки бутун ташки муҳит, биоценоз, биоҳилмаҳиллик, биогеокимёвий ҳолат жиддий за- рар кўриши мумкин.

Бундан ташқари паразит турларнинг пестицидларга резистентлиги ошади, чорва ҳайвонларини иммун ҳолати заифла- шади, мутант биопатогенлар, янги касалликлар пайдо бўлади.

Кимёвий пестицидларни чорвачиликда инвазив усулда (едириш, ичкизиш, инъекция қилиш ва умуман инвазив усулда) қўллаш усулини замонавий тиббиёт маъқулламай- ди, деб ҳисоблаймиз.

Шундай экан мутаген, канцероген, эмбриотроп, тератоген хусусиятларга эга албендазоллар синфига оид пестицидларни антгельминтик дори сифатида қўлланилишини тақиқлаш вақти келди.

Сўнгги йилларда хлорорганик, фосфорорганик, бензимидазол карбамат бирикмаларнинг кишлоқ хўжалигида, айниқса чорвачиликда қўлланилиши камайиб, кўплаб мам- лакатларда, жумладан Ўзбекистонда ўсимлик перитроид- ларининг қўлланилиши ривожланмоқда. Бу препаратлар- нинг таъсир килувчи моддаси - пиретрин тирик табиат компоненти ҳисобланиб муҳит, и неон, чорва ҳайвонлари учун деярли ҳавфсиз, бошқа пестицидларга нисбатан 10-20 карра кам дозаларда ҳам паразит қашарот ва каналарга паразито- цид таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда ушбу гуруҳга мансуб, маҳаллийлаштирилган циперметрин, перметрин-10, суми- альфа (эсфенвалерат, сумицидин) ва бошқалар республи- камиз чорвачилигида паразитар касалликлар ва табиий ўчоқ- ли трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилишда (дезинсекция ва дезакаризация тадбирларида) қўлланилмоқда.

"Кишлоқхўжалиги ҳайвонлари эктопаразитларига қарши курашда қўллаш учун *Bacillus Thuringiensis* var. *Thuringiensis* ЎЗВИТИ М № 1 бактериялари штаммидан биоинсектицид препаратини олиш технологияси" яратилди (Д.Воҳидова, О. Қаршиева). Препарат суспензия (кукун) шаклида қўлла- нилади. Штамм эндотоксин ва термостабиль экзотоксин ҳосил қилади. Эктопаразит қашарот ва каналарга паразито- цид таъсир этади. Экологик безарар, ҳайвон ва одамларга токсик таъсир кўрсатмайди. Ҳозирги кун тартибда препа- ратнинг саноат усулида ишлаб чиқариш технологиясини яратиш вазифаси қўйилган.

Республикаимизда чорвачилик ферма ва мажмуалари ша- роитида зоофил қашаротлар сонини энтомофаглар ёрдами- да регуляция қилишнинг "биологик усул"ини илмий-наза- рий, технологик асослари тадқиқ ва тавсия этилган (Н. Азизов, УЎТ: 619:636.5

ТОВУҚЭЙМЕРИОЗИДА ЯНГИ ЭЙМЕРИОСТАТИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Eimeriosis is accompanied a young and growing chicks in severe cases of the disease, beef and chickens resistant to it. Healed the sick chickens to remain behind the growth and development of the disease are not allocated to them as a result of a reduction in various expenses increased productivity is a pity. The article described the results of the application of the most effective drugs against the disease.

Бугунги кунда аҳолининг парранда маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда, тармоқ самарадорли- гини янада оширишда ветеринария фани ва амалиётининг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Шу жумладан, товуқлар- да (айниқса 10-120 кунлик жўжаларда) учрайдиган, катта иқтисодий зарар келтирадиган протозооз касалликлардан эймериоз

М.Холбаев, С. Мавлонов).

Ҳозирги кунда ветеринария фани олдида қуйидаги му- аммолар қўйилган:

I. Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (туберкулёз, бруцеллёз, эхинококкоз, ўлат, туляремия, трипаносомоз, тейлериоз, қутириш, геморрагии иситма, сибир яраси, кана энцефалита ва бошқа) оғир касалликларга чидамли қорамол, қўй ва бошқа маҳсулдор ҳайвонлар зот- ларини яратишнинг селекцион - генетик асосларини та- дқиқ ва татбиқ қилиш.

II. Кенг тарқалган туберкулёз, бруцеллёз, қутириш, оксил, сибир яраси, геморрагии иситма, кана энцефалита ва бошқа ўта хавфли касалликларга қарши замонавий иммунизация воситаларини (культурал ва бошқа замонавий вакциналар) яратиш.

III. Пестицидлар ва бошқа ксенобиотик препаратларнинг биоценозларга, биоҳилмаҳилликка салбий таъсирини ўрга- ниш, назорат қилиш.

IV. Зообиоценозларда экто - ва эндопаразитлар мигра- циясини фундаментал ўрганиш, кариосистематикасини яратиш.

V. Вакцина, диагностика ва бошқа биопрепаратлар ишлаб чиқаришни давлат буюртмаси тартибиде ихтисос- лашган биокабинат орқалигина амалга ошириш.

VI. Давлат ҳудудида қўлланиладиган янги препарат ва вакциналарни фақат ўша давлат экспертизаси синовидан ўтказиш.

VII. Кишлоқ хўжалиги ҳайвонлари популяцияларини мунтазам паразитология текширишлардан ўтказиб, паразитар тизимлар, инфекция ҳолатлар йиллик динамикаси- ни аниқдаш.

VIII. Безарарлиги илмий-назарий (фундаментал) кафо- латланмаган препарат ва вакциналарни амалиётда қўллани- лиши тақиқланиши лозим.

Бугун биологик, янги касалликлар, эпизоотия ва этти- демияларни тарқалиш хавфлари мавжуд экан, фурсатни бой бермасдан, уларнинг олдини олиш йўллари тиббиёт хо- димлари билан биргаликда ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилишимиз даркор. Бу ишга барча мутасадди давлат таш- қилотлари, олимлари ва зиёлиларни жалб қилишимиз лозим. Шундай қилинса, чорва ва хўжаликлар саломатлиги, чорвачилик маҳсулотлари безарарлигини ва озиқ-овқат хав- фсизлигини таъминлашимиз, чорва сонини кўпайтириши- миз, биологик хавф ва фожиалар олдини олишимиз, му- ҳим иқтисодий - ижтимоий муваффақиятларга эришиши- миз мумкин.

А. РЎЗИМУРОДОВ,
ВИТИ лаборатория мудири, Методик
Кенгаши раиси, Вет. фанлари доктори,
профессор,
М. РАҲИМОВ,
катта илмий ходим - изланувчи.
А. ИСМОИЛОВ,
кичик илмий ходим.